# АНДИЖОННИНГ АЛП ХИРМОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

илмий-тадқиқот институти Андижон шохобчаси олимлари билан ҳамкорликда «Андижон-9» навини тиклаш ишлари олиб борилаяпти.

Вилоятда ғўза зараркунандаларини бартараф этиш илмий асосланган равишда олиб борилди. Биологик кураш ғоят қўл келди. Даладаги ҳосилни қисқа муддатларда нет-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун теримчилар ва ҳашарчиларга етарли шароит яратиб берилди. Моддий рағбатлантириш доимий эътиборда бўлди.

Бу каби муҳим тадбирлар бир-бирига узвий боғланган ва бири иккинчисини тўлдирган ҳолда олиб борилди.

Ҳар йилгидек Асака тумани миришкорлари мамлакатда биринчи бўлиб режани бажардилар ва тўртинчи марта Юртбошимизнинг табригини олиш шарафига муяссар бўлдилар. Пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳо нафақат Асака, Олтинкўл туманлари, балки бутун вилоят меҳнаткашларини янада руҳлантирди, янги зафарлар сари чорлади. Шундан сўнг Андижон, Избоскан, Жалолқудуқ, Балиқчи туманлари пахтакорлари ҳам дастлабки довондан ўтдилар. Асака, Шаҳрихон, Балиқчи туманлари четдан ҳашарчи жалб қилмай режани бажарди. Ҳозирга қадар маррага етган хўжаликлар сони 120 дан ошиб кетди.

Мавсумнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, деҳқон фақат ҳосил миқдорини учунгина эмас, сифати учун ҳам ҳаракат қилди. Шу ўринда избосканликлар эришган муваффақиятлар эътиборга молик. Ўтган йили режа бажарилган кунда пахта тозаловчилар сифат параметри бўйича 1860 тонна пахтани чегирган эди. Бу мавсумда унинг акси бўлди. Бир мисқол ҳам пахта деҳқон зиёнига чегирилмади. Аксинча, сифати юқорилиги ҳисобига 130 тонна пахта қўшиб берилди.

Кўнгилларга илliқлик, дилларга ёруғлик бағишловчи бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Дастлабки довондан ўтган андижонликлар ялпи ҳосилни 345 минг тоннага, гектарлар ҳосилдорлигини эса 32,5 центнерданга етказишга азму қарор қилдилар.



## ЭГАТЛАРДАН ЙИҒИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ланиб, салкам 112 миллион сўм даромад қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 139 миллион сўмни ташкил этди. 958 тонна хомашё уруғликка қабул қилинди. Шунинг ўзидан 14 миллион 503 минг сўм фойда кўрилди.

Экин майдонлари 530 нафардан ортиқ пудратчига бир-икки гектардан тақсимлаб берилганди. Дилсабо Омонова, Гулбаҳор Иминова, Арофатхон Султонова каби пудратчилар 50-55 центнердан ҳосил олдилар. Асалхон Расулова, Сиёсатхон Абдуллаева, Алишер Халилов бош бўлган бригадаларда 40-50 центнерлик марра эгалланди. Улар ҳосил чўғини чамалаб чиқиб, бу кўрсаткични 60-70 центнерданга етказишмоқчи.

Таъбир жоиз бўлса, эгатларга сочилган миллионларни қандай йиғиштириб олишни «намуна»ликлардан ўрганиш керак. Негаки, улар фақат пахтачиликдан эмас, ғаллачиликдан ҳам миллионлаб сўм даромад олишаяпти. Бу йил хўжаликда 397 гектар майдонда бошоқли экин парваришланди ва 71,2 центнердан ҳосил олинди. Иш ҳақига 807 тонна дон тақсимланди. 181 тонна буғдой унга алмаштириш учун қайта ишлаш корхонасига топширилди. Хўжалик омбори донга тўлди. Умуман олганда, ғаллачилик миришкорларга 108 миллион сўм даромад келтирди.

Шуниси эътиборлики, бугунги кунда миллионер хўжаликнинг таъминотчиларидан, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан бирон сўм қарзи йўқ. Ишловчиларнинг қўли йил давомида мўмай пул кўрмоқда.

Унча-мунча одамнинг ақлини шоширувчи миллионлар, залворли хирмонлар замирида фақат битта нарса — ишнинг кўзини билиб, сидқидилдан қилинган меҳнат ётибди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





*Ҳамробой Рўзиевни нафақат Хўжаобод туманида, балки Андижон вилоятида ҳам кўпчилик танийди,ҳурмат қилади. У бош бўлган бригада пахтакорлари мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришди.*

*Ҳали далаларда ҳосил мўл. Бригада меҳнат аҳли ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ниятида.*

**СУРАТЛАРДА: «Иттифоқ» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Ҳамробой Рўзиев; яна бир бункер тўлди.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**



*Шу кунларда Андижон пахтани қайташ ишлаш акциядорлик жамиятига қарашли «Ёрбоши» пахта тайёрлов масканида иш қизғин. Етиштирилган мўл ҳосил омборларга, тайёрлов масканларига пешма-пеш келтирилаётир. Терилган пахтанинг сифатини аниқлашда эса лоборант Мавлуда Абдуолимова бош-қош.*

## ОМОН БЎЛИНГ, ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ!

**Ўрмонжон БОЗОРБОЕВ, Шаҳрихон туманидаги Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати**

***Ҳар гектар ердан 92,6 центнердан дон олиб, бу борада юқори кўрсаткичга эришган хўжалик деҳқонлари пахтачиликда ҳам довруғ таратдилар. Йиллик режа мамлакатда биринчи бўлиб бажарилди. Авваллари бундай пайтда теримга энди киришилаётган бўларди.***

— Эсимни танибманки, даладаман. Ҳамқишлоқларим билан пилла, ғалла, пахта етиштираман. Тақдиримни ўшалар билан боғлаганман. Ўтган тўққиз йил ичида қишлоқ хўжалигида юз берган мислсиз ўзгаришларнинг бевосита иштирокчисиман. Бугунги кундан ўтмишнинг тафовути кўз олдимдан бирма-бир ўтади. Август ойида пахта тайёрлаш режаси бажарилганини бир деҳқон сифатида эслолмайман. Ахир, биз кўпинча пахта йиғим-теримига 15-20 сентябрдан оммавий равишда киришилганини яхши биламиз. Йиллик режалар қишли-қировли кунларга бориб аранг бажариларди. Фасллар ўша-ўша. Қишлоғимиз одамлари ҳам. Фарқ шундаки, энди режалар ёздаёқ бажарилмоқда. Бизда шундай бўлди. 29 август куни 625 гектар ердан 30,2 центнердан, жами 1887 тонна ҳосил олиб, маррага етдик.

Шубҳасиз, бу борада пахта етиштиришнинг андижонча усули муҳим омил бўлди. Деҳқонларимиз тармоқдаги эскича андозалардан дадил воз кечдилар. Апрел ойида ерга чигит ташлаш суяк-суягига сингиб кетган деҳқон бугун март ойини маъқул топмоқда. Чигитнинг плёнка остига қўшқаторлаб қадалаётгани экиш мавсумини март ойидаёқ якунлаш имконини бермоқда. Бу якка қаторга нисбатан 1,5-2 баравар кўп кўчат олиш, эрта ҳосил етиштириш, қимматбаҳо саноат хомашёсини фақат юқори навга сотишга йўл очди. Биргина бизнинг хўжалигимизда ана шу ҳисобдан 107 миллион сўм даромад қилинди.

Хўжалигимиз довруғини ошираётган, Шаҳрихоннинг шуҳратига шуҳрат қўшаётган Сафарали Омонов, Абдумутал Шерғозиев етакчи бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнердан юқори бўлди. Муқаддамхон Фозилова, Қундузхон Абдусатторова, Фотимахон Ортиқова сингари теримчиларимиз хирмонга барака киритдилар.

Ўтган йили сентябр ойининг учинчи ўн кунлигида 170 гектар майдонда йиғим-теримни тамомлаб, пайкалларни ғўзапоядан тозалаган эдик. Ерни барвақт шудгорлаб, ғалла эккандик. Бу янгилик ғалла ҳосилдорлигини кескин ошириш имконини берди. Жорий йилда гектаридан 92,6 центнердан ғалла олиб, 144 миллион сўмдан ортиқ даромадга эга бўлдик.

Режа бажарилди. Лекин деҳқоннинг юмушлари тугагани йўқ. Ҳадемай пахта майдонларини қайта шудгорлаб, ғалла уруғини юз фоиз очиқ усулда экиш ниятидамиз.

Пахтакорларга ҳамма мададкор

## НАҚД ПУЛ ДАЛАНИНГ ЎЗИДА БЕРИЛДИ

**Пулни ҳар галгидек бригада бошлиқлари, табелчилар эмас, балки банкнинг ўз ходимлари жамоа хазиначилари билан бирга тарқатди. Натижада иш ҳақи ўз вақтида эгаси қўлига бориб тегди.**

Қаерда моддий манфаатдорлик яхши бўлса, ўша ерда иш юришади, муваффақиятлар салмоғи ортади. Бу масаланинг қай даражада ҳал этилиши кўп жиҳатдан банк ходимларига ҳам боғлиқ.

Биз жорий мавсумда ўтган йилги анъаналардан воз кечдик. Даладаги ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш пайидан бўлаётган теримчи ва ҳашарчиларни ҳар беш кунда нақд пул билан таъминлаб бориш, бу борада адолат мезонларига қатъий амал қилинишини таъминлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳлари ташкил этдик. Улар зиммасига пул маблағларини қатъий назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Вилоятда 16 сентябрга қадар 248.651 тонна пахта тайёрланди. Биз теримчилар, хирмонда пахта қуритаётганлар, ҳосилни юклаш ва ташиш билан банд бўлганларга 3.708.3 миллион сўм пул етказиб бердик. Ҳар бир теримчига қўлда терган бир килограмм пахта учун 14 сўмдан, жами — 3.459.4 миллион, машинада йиғиштириб олинган ҳар тонна учун 300 сўмдан, жами 500 минг сўм ва терим билан боғлиқ ишларда банд бўлганларга 248,4 миллион сўм нақд пул тарқатилди.

Пахта — бебаҳо бойлик. Ана шу саноат экини бу йил ўз соҳибларига мўмай даромад келтирмоқда. Чунончи, Избоскан туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг ижарачиси Ўрмонжон Полвонов тасарруфидаги ўн гектар ернинг пахтасини четдан ёрдамчи жалб этмай, бутун оиласи билан ўзи йиғиштириб олди. Натижада 550 минг сўм пулга эга бўлди.

212 та қишлоқ хўжалик корхонасига хизмат кўрсатаётган банкимиз бундан кейин ҳам пахтакорларнинг яқин мададкори бўлиб қолаверади.

**Т. РАҲИМОВ,**
**«Пахтабанк» вилоят бошқармаси бошлиғи.**

Арғамчига қил қувват

## КАМАРБАСТАМИЗ

Пахта очилиб теримчиларга мунтазир бўлса-ю, биз қараб турармидик. Ахир, у бойлигимиз, ризқ-рўзимиз-ку.

Ҳар йили биз шундай тиғиз паллада пахтакорларга ёрдамга отланамиз. Белга этак боғлаб, пахта терамиз. Аввалги йиллари жамоамиз 15-20 сентябрдан ҳашарга чиқарди. Ўша анъана бу йил «бузилди». 24-25 августдаёқ пахтакорларга ёрдамга келдик. Ўқувчиларимиз 400 тоннадан ортиқ пахта териб бердилар.

Асосий қисми қишлоқда улғайган талабаларимиз ака ва опаларига беминнат ёрдам беришдан ташқари дурустгина даромадга ҳам эга бўлдилар. Ҳозиргача улар қўлига тўрт миллион сўмдан ортиқ пул тегди.

**Б.АБДУМЎМИНОВ,**
**Андижон молия ва иқтисодиёт коллежининг директори.**

## ИСЛОМНИНГ ЧИН МАЪРИФАТИ

Тошкент ислом университети талаба ва ўқитувчилари яна бир мазмунли учрашувнинг шоҳиди бўлдилар. Илм даргоҳига университетнинг хорижлик ҳамкорларидан бири, Дубай Амирлигининг ҳукмрон оила сулоласи вакили, Дубай Амирлиги кўчмас мулк ва ер департаменти раиси Шайх Муҳаммад бин Халифа Ол Мактум жаноблари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида" китоби араб тилига ўгирилиб, миллионлаб ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинишида Шайх ҳазратлари алоҳида ташаббус ва саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Шу муносабат билан Президентимиз унга йўллаган миннатдорлик мактубини Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов Шайх ҳазратларига тантанали равишда топширди.

Қизиқарли ўтган суҳбат давомида Шайх Муҳаммад бин Халифа Ол Мактум жаноблари йиғилганларга мурожаат этиб, жумладан шундай деди:

"Пайғамбаримиз бизни илм излашга чақирди ва "Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир", дея уқтирди. Зеро, Аллоҳ ўзининг биринчи нозил қилган сурасидаёқ айтади: "Ўқинг, Сизнинг Парвардигорингиз қаламни (ёзишни) ўргатган ўта карамли зотдир".

Муҳтарам Тошкент ислом университети талабалари ва мударрислари!

Сиз билан бу кун яна бир бор учрашиб турганимдан ғоят бахтиёрман. Бухорий, Термизий, Ибн Сино каби Ислом умматининг ўчмас нур ва ҳидоят машъалалари бўлмиш буюк ота-боболарингиз етган юксак мақсадлар ва улуғ мартабаларга етмоғингизда Сизларнинг қалбларингизни кенг ва мунаввар этишини Яратгандан сўрайман.

Улуғ ота-боболарнинг азиз фарзандлари!

Мен, Президент Ислом Каримов бошчилигидаги одил ҳукуматингиз соясидаги юртингизга ривож ва тараққиёт, Сизларга доимий ютуқлар, омад ва ҳидоят тилайман!".

**(ЎзА).**

Қилмиш-қидирмиш

## ҚОЗОННИНГ ҚОРАСИ

***Абдусамад қайдан ҳам поччаси Толибнинг сўзларига учди. Ахир тинчгина тирикчилигини қилиб, оиласини элдан кам қилмай, бир амаллаб боқаётган эди. «Олисдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка афзал экан». Афсуски бу гапнинг маъносини у анча кеч англаб етди.***

... Ўша кечаси Толиб қайниукаси Абдусамаднинг уйига бемаҳалда кириб келди:

— Ҳа, ўтирибсанми «олма пиш, оғзимга туш» деб, — деди у кира солиб.

— Ҳа, энди нима ҳам қилар эдим, — бамайлихотир жавоб қайтарди Абдусамад.

— Менга қара7 ука, — деди Толиб жиддий тусда, — Мен сени олиб кетгани келдим.

— Яна Россиягами?

— Ҳа, бу сафаргиси бошқача, мижоз уч минг «кўки»да тўлайман, деди.

Абдусамад «уч минг»ни эшитиб, ҳазиллашмаяпсизми, дегандек унга қаради.

— 8 тонна лимонини Красноярскка олиб борсак бўлди, — деди поччаси худди шуни кутгандек. — Тирикчилик, озгина «дори»сини ҳам олиб ўтиш керак.

— Бу сафар боролмайман, юмушларим кўп, — дея эътироз билдирди Абдусамад.

— Менга қара, сен менга жудаям кераксан, йўл узоқ, машинанинг бузилиши бор. Бу шаҳарда сендан ўтадиган машина устаси йўқ. Уйда ўтираверсанг бирор киши бир нарса берармиди сенга? Мана ўтган сафар узум оборган эдик. Қанча фойда қилдинг, ўзинг ўйлаб кўр. Бу гал ҳам рози қиламан.

Абдусамад, дарҳақиқат, бундан ярим йилча аввал поччаси билан Россияга бир одамнинг узумларини ҳамда озроқ «дори»сини ҳам оборган эди. Ўшанда у поччасига чилангар-уста бўлиб борганди. Бунинг эвазига поччаси каттагина ҳақ тўлаган эди. Абдусамад шуларни хаёлидан ўтказди ва «бўпти» дея рози бўлди.

— Бугун биз Раҳмиддин билан Панжга бориб юкларни машинага ортиб келдик. Мижоз, ҳамир учидан патир, дея мана буларни берди, — у чўнтагидан бир даста АҚШ долларини олиб қайниукасига кўрсатди. — Машина юки билан ҳозир шу ерда — Душанбеда, эртага эрталаб йўлга чиқамиз, сени уйимда кутаман, — у шундай, деб Абдусамад билан хайрлашди ва озроқ пул ҳам ташлаб кетди.

Абдусамад туни билан ана шу ишдан тушадиган фойдани чамалаб чиқди ва ўзича кўп нарсани режалаштириб ҳам қўйди. Сирлари фош бўлса, оқибати нима бўлишни ўйлаб ҳам ўтирмади.

Эртаси куни тонгги соат бешларда Абдусамад поччаси Толибнинг уйига борганда, у Раҳмиддин деган ўртоғи билан кутиб ўтиришган экан. Қиш эмасми, вақт анча бўлиб қолган бўлсада, ҳали тонг отмаган эди. Уччовлашиб Ўзбекистон сари йўл олишди...

— Кеча «стоянка»да ўтирсам, Панждан Хайриддин деган бола келиб, озроқ лимон бор, Красноярскка олиб бориш керак, — деди почча. — Акаси, «қуруғи»га келишсак, дунёнинг нариги чеккасига ҳам оборамиз, дедим. Уч минг кўкида бераман, деди. Худо бераман деса, бераверар экан-да, ука, — деди гўё хазина топиб олган кишидек хурсанд бўлиб.

— Ҳа, энди бу замонда мушук ҳам офтобга текинга чиқмайдиган бўлган, — деди Раҳмиддин унинг сўзини давом эттириб. — Кеча кечқурун мижоз хайрлашаётган пайтда, «ака, манзилга борсак яна гаплашамиз, сиз бу томонидан хавотир олманг, биз бир сўзли, мард йигитлардан миз» деди. Шу «мол»ни эсон-омон эгасига оборсак марра бизники, уёғига ошиғимиз олчи. Ана ундан сўнг, даврингни сур Толиббой, - у шундай дея Толибнинг елкасига қоқди.

— Муҳими, Ўзбекистондан ўтиб олсак бўлгани, нариёғи осон, — деди Толиб йўлдан кўзини узмай. Улар бир муддат жим қолишди. Толиб қайниукасининг хавотирланаётганини сезди.

— Қўрқма, ҳеч нарса бўлмайди, биринчи марта эмас-ку. Жуда нари борса божхоначиларнинг қўлига бир нима тутқазамиз, вассалом. Билиб ўтиришибдими нима олиб кетаётганлигимизни, — деб унга далда берди.

Туш бўлмасданоқ улар Сариосиёга етиб келишди. «Мен ҳозир келаман», деб Толиб 100 АҚШ долларини олиб тушиб кетди. Ҳеч қанча фурсат ўтмай, бир даста ўзбек сўмларини олиб келиб, уларнинг олдига ташлади.

— Бу йўл харажатларимиз учун, — шундай дея у пулларни чўнтагига солди.

Тожикистон—Ўзбекистон чегарасидаги Сариосиё постига етиб келишганда, Толиб бамайлихотир машинани секинлатиб постга кириб келди. ДАН ходимлари машинани тўхтатишганда, Толиб ўзининг хавотирланганини билдирмади, улар билан эски қадрдонлардек сўрашди, машина ва юк ҳужжатларини кўрсатди. Ҳаммаси рисоладагидек эди. Божхона ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари машинани кўрикдан ўтказиш учун махсус жойга олиб боришни буюришганда, Толиб каловланиб қолди. Сергак тортган назоратчилар, яшикдаги лимонларни бирма-бир текширишга тушдилар. Дастлаб лимондан бўлак ҳеч нарса чиқмади. Толибнинг сал бўлса-да, танасига жон кириб, «буёғини текширмай қўя қолинглар, лимондан бўлак ҳеч вақо йўқ» деб ялина бошлади. Бироқ назоратчилар текширишни давом эттираверишди. Орадан кўп ўтмай яшиклар остидан бирин-кетин гиёҳванд моддалар чиқиб кела бошлади. Яшиклардаги лимонлар тўлиқ текширилди. Машинадаги лимонлар орасида 700 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддалар борлиги аниқланди. Толиб гўё буларни биринчи марта кўраётгандек ҳайратланиб қарарди. Раҳмиддин турли хил баҳоналар излашга тушди. Абдусамад эса аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўяёзди. «Озроқ деган эди, 700 килограмм экан-а», хаёлидан ўтказди у. Қўйиб берса поччасини ҳозир бурда-бурда қилиб ташласа. «Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, болам» — Абдусамад негадир шу вақтда кекса бувасининг доимо такрорлаб юрадиган сўзларини эслади. Энди ўзини оқлаши фойдасиз, ғишт қолипдан кўчган эди. Абдусамад унинг оқибатини яққол тасаввур қилди. У шу дамда ўзини эмас, йўлига термулиб турган тўрт фарзандини, касалманд хотинини ўйлади.

Мўмай даромад ортидан қувиб, одамлар ошига оғу солаётган Толиб сингари «корчалонлар» жиноят йўлига Абдусамадга ўхшаганларни ҳам эргаштирадилар. Текин пулнинг мазаси яна хуморни қўзғатади. Оқибати-чи?..

«Билмай қилдим, пушаймонман» — бу Абдусамаднинг суддаги сўнгги сўзи, сўнгги пушаймони эди. Сўнгги пушаймон эса ҳамиша душман бўлиб қолавераркан. Бу гал ҳам шундай бўлди.

***P.S Сурхондарё вилоят судида гиёҳванд моддаларни ноқонуний равишда олиб ўтишга уринган мазкур жиноий гуруҳ иши бўйича очиқ суд бўлиб ўтди ва улар қонунга биноан жазоландилар.***

**Шуҳрат ШАРОПОВ.**

## МУСИҚА — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ

Тошкентда ниҳоясига етган иккинчи Халқаро мусиқа фестивали юртимизда миллий ва умумбашарий қадриятлар тобора ривож топиб бораётганлигининг яна бир ёрқин намойиши бўлди.

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида 25 сентябрь куни ана шу санъат байрамининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар фестивалнинг жўшқин ва ижодий руҳда ўтганини алоҳида таъкидлашди. Айни вақтда фестивал кунлари нафақат концертларга, балки турли учрашувлар, давра суҳбатларига бой бўлди. Энг асосийси, ер куррасининг йигирмадан ортиқ давлатидан келган мусиқашунослар ўзбек миллий симфоник куйларидан баҳра олди, биз эса жаҳоннинг мусиқа оламидаги янгиликларидан бохабар бўлдик. Қолаверса, Азиза Содиқова, Артём Ким, Полина Медюлянова сингари ёш умидли бастакорларимиз ижоди ва иқтидори АҚШ, Италия, Германия, Япония, Франция, Швейцария каби давлатлардан келган композиторлар томонидан юксак баҳоланди.

Фестивал давомида "Туркистон" саройи ва Тошкент Давлат консерваториясида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, хор капелласи, "Сўғдиёна" ўзбек чолғулари камер оркестри, Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрига жаҳоннинг кўзга кўринган санъаткорлари дирижёрлик қилди.

Фестивал қатнашчилари мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани, симфоник мусиқа байрами юксак савияда ўтказилгани учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик мактуби йўлладилар.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари учун – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

ҳарбий судлар учун – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари учун – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

**79-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг матбуот органи**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ўз матбуот органларига эга бўлади.

**80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган

62

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

*(янги таҳрири)*

## *I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР*

**1-модда. Суд тизими**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

3

Қирқиш чизиғи

ришга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, одил ва ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан".

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида;

хўжалик судлари судьялари – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари – Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари раёсати мажлисида.

**64-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари**

Судьялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилиш;

одил судловни амалга ошириш учун мансабдор ва бошқа шахслардан маълумотлар

46

Буклаш чизиғи

нумидан ташқари барча инстанция судларининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисидаги маърузаларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилиши мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

19

Қирқиш чизиғи

қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ўз вазифасини бажариш даврида ёки ваколат муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), башарти бу ҳодиса судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг ворисларига судьянинг эллик ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолса ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилганида – судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум этмайдиган ва узоқ муддатга меҳнат фаолиятини тўхтатишга олиб келмайдиган тан жароҳати ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилганида – судьянинг беш ойлик иш ҳақи миқдорида.

Судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга ол

58

Буклаш чизиғи

**лий жиҳатдан таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман(шаҳар) судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий риоя қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда судьяликка номзодлар танлаш ва тайёрлашни амалга оширади;

суд кадрлари малакасини ошириш билан шуғулланади;

судларнинг моддий-техника таъминоти ҳамда улар фаолият олиб бориши учун зарур шароит яратиш ишларини ташкил этади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш

7

Қирқиш чизиғи

амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## *IV БЎЛИМ. СУДЬЯЛАР МАҚОМИ*

### 7-боб. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**59-модда. Судьялар**

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьядир.

**60-модда. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар**

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, судьялар захирасида турган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Судьялар захирасини шакллантириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумла-

42

Буклаш чизиғи

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда кўради;

ишларни апелляция ва кассация тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси:

суд фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

малака ҳайъати таркиби тўғрисида, судьяликка номзодлар ва малака даражалари бериш тўғрисида тақдимномалар киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судларининг судьяларини ин-

23

Қирқиш чизиғи — **5-саҳифа** — Қирқиш чизиғи

раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) у судьялар қасамёдини бузган тақдирда;

2) унинг ёзма аризасига кўра;

3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;

4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

5) судья Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

7) у суднинг қарори билан ўлган деб эълон қилинган тақдирда;

8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Судьянинг ваколатларини ушбу модда би-

54

Буклаш чизиғи

икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан раҳбарий тушунтиришлар беради;

Судьялар олий малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Раёсат таркибини, судлов ҳайъатлари таркиби ва уларнинг раисларини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон

11

Қирқиш чизиғи

босарлари:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ва хўжалик судларининг низоларни ҳал қилиш бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

38

Буклаш чизиғи

бий ҳайъати лавозим бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари бўлган ҳарбий ҳайъат раиси, ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида фаолият олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ҳудудий ҳарбий суд туман суди ҳуқуқида фаолият олиб боради ва раис, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса раис ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

**40-модда. Ҳарбий судларнинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида, чегара қўшинларида, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Миллий хавфсизлик хизмати органларида, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинларида, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларида, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган шахслар, шунингдек машқ йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

27

Қирқиш чизиғи

ришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан белгилаб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

**69-модда. Судьялар дахлсизлиги**

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судьяга ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон

50

Буклаш чизиғи

ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**22-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Раёсат мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарори ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати:

ишларни кассация ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси олий суд-

15

Қирқиш чизиғи

хўжалик суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Раёсатнинг мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

**50-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил этиш ҳақидаги маърузаларини тинглайди;

хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Раёсат мажлисида баённома юритилади.

34

Буклаш чизиғи

ликаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

**46-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда Пленум ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан раҳбарий тушунтиришлар беради;

Судьялар малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Раёсат таркибини, судлов ҳайъатлари таркиби ва уларнинг раисларини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжа-

31

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

**27-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг раислари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига маъруза тақдим этади;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 2-боб. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди

**28-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди таркиби**

Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат



Буклаш чизиғи

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

**63-модда. Судьялар қасамёди**

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

"Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оши-



Қирқиш чизиғи

**2-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги**

Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият кўрсатади.

**3-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ижро этилиши шарт.

**4-модда. Суднинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва Рес-



Буклаш чизиғи

зири ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, ҳарбий судларнинг штат жадвали Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг штат жадвали эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг штат жадвали Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.

**78-модда. Судларни молиялаш ва уларнинг моддий-техника таъминоти**

Судларни молиялаш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти, биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағларни тақсимлаш:



Қирқиш чизиғи ---- Қирқиш чизиғи

зомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

судьялар малака ҳайъати қарорлари устидан Судьялар олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**34-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари:

судлов ҳайъати ишини ташкил этади ҳамда унинг мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъатининг фаолияти тўғрисида суд раёсатига маърузалар тақдим этади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.



Буклаш чизиғи

рувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари**

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

тегишли ҳайъатлар ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини



Қирқиш чизиғи

ишларини ташкил қилади;

суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишларини ташкил этади;

судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

**11-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

## *II БЎЛИМ. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ*

## 1-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари,



Буклаш чизиғи

лар судьяларининг малака ҳайъатлари эса – ҳарбий судлар судьялари мажлисларида ана шу муддатга сайланади.

Судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

## 9-боб. Судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти

**74-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти**

Судьяларнинг иш ҳақи уларнинг лавозими бўйича белгиланган маошдан, малака даражаси, хизмат муддати учун тўланадиган қўшимча ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Судья сайланган ёки тайинланган кундан бошлаб олти ой ичида уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланади.

**75-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари**

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта



Қирқиш чизиғи  Қирқиш чизиғи

ҳарбий қисмлар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва мазкур мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятларни, шунингдек алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини, худди шунингдек давлат сирларига даҳлдор бошқа ишларни кўради.

**41-модда. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш**

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## *III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ*

## 5-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди

**42-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти усти-



Буклаш чизиғи

судига тақдимномалар киритади;

судлов ҳайъатлари таркиби ва уларнинг раислари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати ҳамда Судьялар малака ҳайъати таркиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**53-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўрин-



Қирқиш чизиғи

публикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди.

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**17-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, шунингдек тарафлар иштирок этаётган бўлса, уларнинг фикри тингланади. Протест бўйича муҳокама тугаганидан кейин яширин овоз бериш ўтказилади. Протестни муҳокама қилиш ва овоз бериш чоғида мажлислар залида Пленум аъзоларидан бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи охирги бўлиб овоз беради.

Протест юзасидан қарор, агар уни ёқлаб Пленум аъзоларининг кўпчилиги овоз берти-



Буклаш чизиғи

дан судья қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўланиши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирилишига, судьянинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан ҳибсга олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

**71-модда. Судьянинг ваколатларини тугатиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьясининг ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьясининг ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди



Қирқиш чизиғи ---- Қирқиш чизиғи

лик суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**47-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумида масалаларни кўриш**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси томонидан Пленум муҳокамасига киритилган масалалар унинг маърузаси бўйича ёки у ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Масалаларнинг муҳокамасида Пленум мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилик овози



Буклаш чизиғи

билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Пленум мажлисларида баённома юритилади. Пленум қарори ва баённома Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Пленумнинг раҳбарий тушунтиришлари хўжалик судлари, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

**48-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми котиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми котиби Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Пленум мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**49-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий



Қирқиш чизиғи

лари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари:

ишларни биринчи инстанцияда ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қилади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳукм-



Буклаш чизиғи

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга унинг юксак мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

**67-модда. Судьяга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик**

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

**68-модда. Суд ишларини ҳал қилишда аралашишга йўл қўйилмаслиги**

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Кўрган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича судьядан бирон-бир тушунти-

## Нафосат сабоқлари

# ЎЗИМГА ЎХШАСИН ЎЗИМНИНГ БОЛАМ!

Оху ўз тўпида, шер ўз тўпида, турналар ўз тизими, қумрилар ўз галаси билан бирга бўлажакдир. Уларнинг нафақат ташқи кўринишлари, балки яшаш тарзи-ю, овозларигача турфадир. Ўсимлик дунёсини кўринг, миллион йиллик шаклини, наслини асраб келади. Бу оламда неки бўлса, ўз ранги, ўз тароватн билан барҳаётдир. Ҳатто камалакнинг-да иқлими лол қолдиради кишини, нега унинг ранглари ҳеч аралашиб кетмайди? Бу худонинг буйруғи. Бу — илоҳий қисмат! Дунё дегани минг бир пардалардан яралган тордир. Ҳар бир парданинг ўз оҳанграбоси бордир. Шунинг учун бу ҳаёт гўзал, шунинг учун кишининг ўлгиси келмайди! Оламнинг мувозанатини бузмаслик учун, ҳар бир мавжудот ўз зотининг такрори бўлиши шарт! Тараққий этсин, лекин туб томири асосида! Кўзимиз зерикмасин, кўнглимизга тегмасин дея буюк мусаввир — Оллоҳ оламни рангин ва бетакрор яратган ҳамда бизга тортиқ айлаган. Бунинг учун тинмай шукрона айтишимиз ва унинг омонатига хиёнат қилмаслигимиз сўралади!

Яхшилик тарқатувчи, нияти яхши бўлганки амалларга Яратганнинг ўзи умр беради. Ота-бувамиздан бизга ўлмай ўтиб келаётган яшаш, фикрлаш (дунёга муносабат билдириш), сўзлаш, кийиниш тарзларимиз ҳам ўзимизга хосдир ва бу дунёнинг рангдор бўлишига қўшган ҳиссамиздир. Авлоддан авлодга ўтиб, наслу насабни пок асрашга хизмат қилиб келганки нарсалар худога хуш, қадрли нарсалардир. Биз уларни миллий қадриятлар деймиз. Бир миллатнинг бошқа миллатга ўхшамай туриши, фарқлари — унинг ўз овозига, алоҳида андаза ва дастхатга, тайинли наслу насабга эга эканлигидан далолат. Ўша **ўзига хосликни асрай олиш миллий ғурурдир!**

Инсоннинг ҳар бир ишида унинг нияти акс этади. Амалиётимизга қараб ўзимизга баҳо берадилар. Менинг эса замондошларимнинг баъзи кўринишларидан кўнглим йиғлайди... Айниқса, пойтахт ва вилоят марказларидаги ёшларнинг, ҳатто ёши ўттиз-қирққа кирганларнинг орасида ҳам она тилимизни билса-да, атайин ўрисча аралаштириб гапирадиган, ўрисча гаплашишни киборлик белгиси деб биладиганлар оз эмас. Эстрада хонандаларининг ичида ўзи ўзбек бўла туриб, ўзбекча ҳарфларни ўрисча талаффуз қилиб куйлаётганлар миллатнинг шаъни олдида уятли иш қилмаяптиларми? Бобо-моларидан қолган уй безашни, тутум тутишни, шарқона иморат солиш ва кийинишни «эскилик сарқити» деб санайдиганлар «миллат» сўзини нима деб тушунадилар? Бухоро, Самарқандимизни бутун жаҳон кўргани интилади, ҳар гал ҳайратдан донг қотади. Чунки у ўзига хос! Чунки у шарқона! Бугун ўша миноралардан «ўзимга ўхша, ўзлигингни унутма, дунё аҳли бундан кейин ҳам фақат ўзбекча фазлларингни томоша қилиб, қойил қолгани келаверсин!» деган илтижолар эшитилаётганга ўхшайди назаримда!

*Ўзини таниган парвардигорни танийди.* **Ҳадис.**

Аждодлардан қолган ҳар бир ишда ҳикмат бор, хосиятли сир бор! Бадавлат бўлганки бугунги ўзбекнинг аксарияти гоҳ туркча, гоҳ эстонча, гоҳ французча «қалъа»лар қурмоқда. Қани ота-бувамиздан қолган томи баланд, шифти гўзал васса жуфтли, ҳавоси ҳамиша тоза турадиган ўзбекона уйлар? Миллий нақшлар ўйилган меҳроблар, кунгурали токчалар қани? Ўзбекнинг уйи хоҳласа, хоҳламаса ҳамиша гавжум бўлади, маросими маросимга улашаверади, феълимизга монанд кенг уйлар, нақшинкор устунли муҳташам айвонлар қани? Биз Шарқмиз! Риояли, иффатли халқмиз! Нима учун оталаримиз ички-ташқи ҳовлилар қуришган? Бунда ҳам донолик бордир — тўй-таъзияларда аёлларга қулайлик яратиш учун, (дарвоқе, ўзбекчиликда бир зумга келган киши билан ҳам кўчада гаплашилмайди) келди-кетди меҳмонлар, эркакча пасту баланд гурунглардан аҳли оиласини асраш учун, ётарга келган қўноқларнинг тортинмай дам олишлари учун шундай қилинган. Бу файз эмасми, тароват эмасми?

**Турсуной СОДИҚОВА.**

# «ЯШИЛ ҚИТЪА»ДА НИМА ГАП?

***Дунёнинг манаман деган спортчилари умлонлар оша Австралияга йиғилган бугун. Сиднейда давом этаётган XXVII Олимпиадада ўйналаётган жами 300 та медалнинг лоқал биттасини қўлга киритиш иштиёқи жамулжам қилган уларни. 199 та давлат спортчилари орасида Ватанимиз вакиллари ҳам ўз омадларини синаб кўраётгани, айниқса, эътиборли.***

## Бокс

Ушбу спорт тури бўйича мусобақалар бошланишидан олдин кубалик олимпиадачилар барча медалларни ўз мамлакатларига олиб кетиш ниятида эканликларини эълон қилишганди. Аммо бу мақсадга эришиш учун ҳали кўпгина давлатлар боксчилари, жумладан, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари билан ҳам ҳисоблашиш керак бўлади.

Боксчиларимиздан Руслан Чагаев ва Алишер Раҳимов чорак финалга йўлланма олганлиги ҳақида аввал хабар берган эдик. Кеча яна икки нафар спортчимиз рингга чиқди. Дастлабки беллашувда пуэрторикалик Мигел Соттони мағлубиятга учратган Муҳаммадқодир Абдуллаев кейинги учрашувда ҳам ғолиблик нашидасини сурди. Шунингдек, 81 килограмм вазн тоифасида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилаётган Сергей Михайлов ҳам кейинги босқичга йўлланма олди. У руминиялик Раско Грегорини рингдан бош эгиб чиқишга мажбур қилди.

## Юнон-рум кураши

Мустақиллик кубоги, қитъа биринчиликларида қатор ғалабаларга эришган ҳамюртимиз Баҳодир Қурбонов Сиднейдаги беллашувларда ҳам бор маҳоратини намойиш этаяпти. У кеча икки бор гиламга чиқиб ҳар икки учрашувда ҳам рақибларининг курагини ерга теккизди.

Ушбу спорт тури бўйича қатнашаётган яна бир вакилимиз Евгений Ерофайлов дастлабки беллашувда катта устунлик билан ғалаба қозонганди. Бироқ кейинги учрашувда имкониятни бой бериб қўйди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.**



# ТЕСТ НАТИЖАЛАРИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

**Бир савол**

*Ҳурматли таҳририят! Мана, саккиз йилдирки, мамлакатимизда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш тест синовлари асосида амалга ошириляпти. Бизни бир савол қизиқтиради: Давлат тест маркази тақдим этган натижалар устида арз қилиш мумкинми?*

**Бу саволга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази раҳбари М.М. Муҳиддинов жавоб беради:**

— Аввало, шуни айтиш керакки, дунё амалиётида техника воситасида ишлаб чиқилган натижалар устидан аппеляция ўтказиш татбиқ этилмайди. Барча ривожланган мамлакатларда тест натижаларини шубҳа остига олишни тасаввур этиш ҳам мумкин эмас.

Лекин бизда бу усул нисбатан янги эканлиги сабабли, одамларимизда тестга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, шунингдек, умумий кўникмани таъминлаш мақсадида давлат тест маркази натижалардан қониқмаган абитуриентларни 15 августдан 1 октябргача қабул қилишни йўлга қўйди.

Шуни айтиш керакки, ҳозиргача тест маркази мингга яқин эътирозни кўриб чиқди. Уларнинг аксарияти ҳақиқатда ҳам тест синовлари жараёнида берилган саволларни белгилашда хато ва камчиликларга йўл қўйганликларини тан олишди.

Абитуриентларнинг билим кўрсаткичларини ўта аниқлик билан белгилашда тестларнинг мураккаблик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тест билим ўлчови учун хизмат қилиши билан бир қаторда, маълум умумий мақсадларга ҳам қаратилган бўлади. Масалан: мураккаблиги I даражали бўлган тестлар кўплаб абитуриентлар оммаси орасидан билими саёз, тасодифий, жавоблари асоссиз, тахмин-фаразларга таяниб белгиловчи ўқувчиларни ажратиш учун хизмат қилса, мураккаблиги II даражали тестлар абитуриентнинг маълум мавзулар ҳақида умумий маълумотга эгалиги, энг асосий қоида ва қонуниятларни билиши ҳамда маълумотларни хотирада сақлаш даражасини аниқлашга қаратилади.

Мураккаблиги I ва II даражали тест ёрдамида ажратиб олинган ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини аниқлаш III-IV даражали мураккабликдаги кўп қиррали тестлар зиммасига тушади. Улар ҳар бир вариантда оз миқдорда мавжуд бўлиб, иқтидорли абитуриентларга мўлжалланган. Бундай тестларнинг жавоби бир неча қоида ёки қонуниятларни татбиқ этиш йўли билан топилади, мазкур тестлар ўқувчидан алоҳида мушоҳада, қобилият талаб қилади. Барча фанлар бўйича апелляцияга келган абитуриентларнинг аксарияти I ва II даражали мураккабликдаги саволларга, яъни оддий саволларга ҳам жавоб бера олмасликлари, жавобларни ҳеч қандай асоссиз, тахмин-фаразларга таяниб белгилаётганлиги аниқланди.

Пировардида қуйидаги умумий ҳолатлар кузатилди:

Аппеляцияга келган абитуриентларнинг кўпчилигида ўз билимига ишончсизлик яққол сезилиб туради. Бу ҳолни уларнинг оддий қоидалар моҳиятини тушунмаганлигида, тест саволини ўта англамаслигида кузатиш мумкин. Бундай абитуриентларнинг айримларига тўғри жавоб тушунтирилса ҳам, уни англаш учун етарли асос бўлмаганлиги сабабли қайсарлик билан "меники тўғри" дейишдан нарига ўтмайди.

Абитурентлар кўпгина ҳолларда "Ахборотнома"даги тест саволларининг қайта таҳрир қилиниши унинг жавобига ҳам таъсир кўрсатишини эътиборга олмаганлар. Шошма-шошарлик ҳамда масъулятсизлик оқибатида беихтиёр олдиндан билган жавобларини тўғри жавоб сифатида белгилаганлар. Бу ҳолатни тарих, ўзбек тили ва адабиёти, математика, кимё, биология ва инглиз тили фанлари бўйича ҳавола қилинган тестлар доирасида кузатиш мумкин.

## ҲИКМАТ

*Қулоғинг иккитаю,*
*оғзинг биттадир,*
*Демак, битта сўзлаб,*
*икки бор эшит!*

## ЖУМБОҚ

**Бугунги сондаги жумбоқ муаллифи Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 7 «а» уйнинг 46-хонадонида яшовчи Ойбек ПИРНАЗАРОВ.**

Бир аёл боғдан олма терди. Боғдан ташқарига чиқиши учун 4 та эшикдан ўтиши лозим. Ҳар эшикда 2 тадан соқчи бор. Аёл 1-эшикда терган олмаларининг ярмини, 2-эшикда эса қолган олмаларининг ярмини берди. Қолган соқчиларни ҳам шундай сийлади. Ташқарига чиқиб, қараса, саватида 10 та олма қолган экан. У қанча олма терган?

---

20 сентябр сонида берилган жумбоқда 45 дан 45 ни айириб 45 чиқариш вазифаси берилганди. Ҳеч ким тўғри жавоб беролмади. Тўғри жавоб қуйидагича:

9 8 7 6 5 4 3 2 1 = 45
- 1 2 3 4 5 6 7 8 9 = 45

8 6 4 1 9 7 5 3 2 = 45

21-сентябрдаги жумбоқда ғозлар сони аслида 36 та бўлганини биринчилар қаторида Сирдарё вилояти Ширин шаҳридан Илҳом Худойназаров, Паркентдан Алим Ашуров, Миролим Мираҳмедов ва Урганч шаҳридан Бахтиёр Маҳмудов хабар қилишди.

**Эслатиб ўтамиз: жумбоққа жавобни 136-35-60 рақамли телефонга хабар қилинг.**



## КЎК АТИРГУЛ

Маълумки, қизил, сариқ, пушти, оқ рангдаги атиргулларни барчамиз яхши биламиз. Эндиликда улар қаторига кўк ранглиги ҳам қўшилди. Уни Япониянинг «Санотори» корпорацияси мутахассислари яратдилар.

Аслида дунёда атиргулларнинг 20 минг тури мавжуд. Бироқ уларнинг бирортасида ҳам кўк бўёқ олиш учун ферментлар йўқ эди. Мана энди бу муаммо ҳам ҳал бўлди.



## УЙҚУСИЗ ТУНЛАР

Маълумки, айрим одамлар тунда ухлашолмайди. Ундайларни «бойкуш»лар ҳам деб аташади. Лос-Анжелесда қироатхонанинг махсус бўлими тунги соат 10 дан эрталабки 6 гача ана шундай одамлар учун хизмат қилади. Табиийки, қироатхона хизматчилари ҳам асосан «бойкуш»лардан иборат.



## ЭНГ КАТТА...

Лондондаги Хитроу аэропорт дунёдаги энг катта ҳаво манзилгоҳидир. Бу ердан ҳар кеча-кундузда деярли 100 минг йўловчи ўтади. Бу маскан бир кеча-кундузда 700 та самолёт қабул қилиб, яна учириб юборади. Тиғиз ишлаган вақтида соатига ҳатто 100 та самолёт қўниб, учади.

**Ривоят**

# ЭЪТИҚОД

Бир чўпон қир-адирларда ёлғиз қўй-қўзиларни боқиб юриб, кимгадир дилидаги истакларини айтишни, илтижо қилишни жуда-жуда истабди. Шунда Оллоҳ ҳақида эшитганлари ёдига тушибди: «Ёлғиз Оллоҳгина ҳаммага баробар, у ҳаммани бирдек кўргучидир».

Чўпон «Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ» деб унга илтижо қилиб ерга думалаб, кўкка қўлларини чўзиб ибодат қила бошлабди. Ва бундан излаган нарсасини топгандек таскин топибди.

Бир куни чўпоннинг ёнидан тақводор киши ўтиб қолибди.

— Нима қилаяпсан? — деб сўрабди у чўпондан.

— Мен Оллоҳга сажда қилаяпман, — дейди чўпон.

— Оллоҳга бундай сажда қилинмайди, — дейди тақводор. У чўпонга номоз ўқиш амалларини кўрсатибди. Калималардан ёдлатибди.

— Раҳмат сенга, биродар, — дебди чўпон, — менга хатоларимни тузатишга ёрдам бердинг. Энди мен Оллоҳга янаям яқинроқ бўламан...

Тақводор йўлида давом этиб, қайиққа тушиб сузиб кета бошлабди.

Чўпон ўрганганларини такрорлай бошлабди. Бироқ рукуга туриш билан такбир айтишни адаштириб қўйибди.

— Ҳой, биродар, шошмай, тур, — деб қирғоқ томон югурибди. Қараса тақводор қайиғи билан дарё ўртасида сузиб кетаётган экан. Чўпон у томонга интилибди.

— Биродар, малол келмаса, менга яна бир устозлик қилсанг, номоз амалларини адаштириб қўйдим?!

Тақводор чўпон томон ўгирилиб танг қотибди. У сув юзида ерда юргандек турармиш.

— Эй, Оллоҳнинг суйган бандаси, сен менга эътиқодингнинг бу қадар мустаҳкамлигининг мезонини тушунтир, мен сенга номоз амалларини ўргатай, — дебди.

**Баҳринисо НОРЖИГИТОВА, Гулистон тумани.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Узоқ муддатли муносабатларга умид боғлаб ва банк хизматларининг ниҳоятда хилма-хил турларини, ишончли, тезкор, қулай хизматларни ҳамда энг фойдали фоиз ставкаларини таклиф қилиб

Ўқитувчилар ва устозлар куни арафасида

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ «Мерос» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Омонатга пул 2000 йилнинг 14 сентябридан 30 сентябрига қадар 1 ой муддатга қабул қилиниб,

йилига 70 фоиз фойда тўланади.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — пулларингиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

NBU

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.



Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.10*
1 2 3 4 5 6